



2020 у. «17» сентябрь № Қ-467 «__» __ 20__ г.

Термиз тумани “Лимонзор” массиви “Янгиобод” маҳалласи ҳудудидан “Манзила Абубакр савдо” МЧЖга чорвачиликни ривожлантириш мақсадида “Озуқа экинлар экиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/448-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-08/266-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/448-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Лимонзор” массиви “Янгиобод” маҳалласи ҳудудидан “Манзила Абубакр савдо” МЧЖга чорвачиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 5қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 37,8 балл бонитетли жами 5,0 гектар, шундан 1,0 гектар суғориладиган экин ер, 3,8 гектар боғзор ва 0,2 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари “Озуқа экинлар экиш” учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов